

**САҲНАЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИ ОРҚАЛИ МАКТАБГАЧА
ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ФАОЛ НУТҚИНИ
РИВОЖЛАНТРИШ**

Турдалиева Манзура Валиевна

ФарДУ 2-курс магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6533217>

Анотация. Уибу мақолада саҳналаштриши фаолияти орқали мактабга таълим ёшидаги болаларнинг нутқи ва унга тасир доираси ҳақида ва амалда қўллашининг мохияти натижасида болаларнинг фаол нутқи ривожланиши ҳақида тўхталиб ўтилган.

Калим сузлар: генафонд, ёш авлод, мактабгача таълим, лугат захираси, фаол нутқ, хотира, ҳикоя, эртак, саҳна.

**РАЗВИТИЕ АКТИВНОЙ РЕЧИ ДОШКОЛЬНИКОВ ЧЕРЕЗ
ДРАМАТИЧЕСКУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ**

Аннотация. Данная статья посвящена речи детей школьного возраста и масштабам ее воздействия на школу через постановку деятельности и сущности ее применения на практике, развитию активной речи у детей.

Ключевые слова: генофонд, подрастающее поколение, дошкольное образование, словарный запас, активная речь, память, рассказ, сказка.

**DEVELOPING ACTIVE SPEECH FOR PRESCHOOL CHILDREN
THROUGH DRAMA ACTIVITIES**

Abstract. This article focuses on the speech of children of school age and the scope of its impact on school through staging activities and the essence of its application in practice, the development of active speech in children.

Keywords: gene pool, young generation, preschool education, vocabulary stock, active speech, memory, story, fairy tale, scene.

Кириш. Мамлакатда миллий генофондни мустаҳкамлаш, ёш авлодни етук кадрлар этиб тарбиялаш масалаларига доимий эътибор қаратиб

келинмоқда. 2017 йил 16 август куни бўлиб ўтган йиғилишда таълим тизимини ривожлантиришнинг кўплаб йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, мазкур муассасаларга болаларни тўла қамраб олиш бўйича муҳим вазифалар қўйилган эди.

Президентнинг жорий йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ бу соҳада янги тизим яратилди.

“Шунинг учун ҳам биз мактабгача таълим тизимини қайта қўриб чиқиши масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариб, бу борада катта ишларни бошладик. Агар шу ишни ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширмасак, бутун таълим тизимида сифат ўзгаришига эришишимиз, таълимнинг узлуксизлигини таъминлашимиз қийин бўлади”, дея таъкидлари Шавкат Мирзиёев.

Мактабгача таълим ёшидаги болалар тафаккурини ўстириш ва уларнинг ақлий ривожланишлари учун турли тамойиллар ишлаб чиқилган олани китобни кўришга бўлган қизиқишини ўйғотиш, унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни тарбиялаш. Саҳналаштириш фаолияти орқали болаларни фаол нутққа ургатишнинг асосий мақсади мактабгача таълим муассасаларида болалар ижодига раҳбарлик қилиш учун амалий билим ва кўникмалар бериш. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги Конуни» ва «Мактабгача таълим концепцияси» асосида МТТ да ижодий меҳнат тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, болаларни кул меҳнати фаолиятига раҳбарлик қилишдан иборатdir.

Мавунинг ёритилиши. Саҳналаштириш фаолияти орқали болаларни фаол нутққа ўргатишнинг асосий вазифаси МТТда болаларни фаол нутққа

бадиий асарлар ва уларни саҳналаштириш орқали тизимли нутқа қизиқишиларини уйғотиш, саҳналаштириш орқали фаолнутқа бўлган кўникма ва малакаларини шакллантириш; мактабгача ёшдаги болаларда фаол, бадиий нутқа нисбатан муҳаббатни тарбиялаш ва уни эгаллшга йўналтириш;

Болаларни нутқий фаолиятга ўргатишни эртакларни саҳналаштиришга бўлган хоҳишиларини уйғотиш; эртакларни саҳналаштириш каби ижодий фаолият билан таништириш; нутқ маданияти нутқий кўникмава малака кўникмаларини тарбиялаш; болаларни фаол нутқа тайёрлаш жараёнини режалаштириш, машғулотлар технологиясини тузиш, эртак ва ҳикояларни ўқиб бериш, қаҳрамонларнинг нутқларини болаларга образли ва тушунарли қилиб ўргатиш;

Болаларни саҳналаштиришга ўргатиш жараёнида оддий болалар учун таниш бўлган сўзлардан фойдаланишга ўргатиш ҳамда бадий дидларини шакллантиришга, лугат заҳирасини бойитишга ёрдам бериш ва сўзларни тўғри ва ўринли ишлатишга одатлантиришdir.

Нутқий фаолият инсонга берилган қобилияtlар ичida инсонни ҳайвондан фарқлаб турадиган асосий хусусиятdir.

Бу қобилият инсонга нафақат ҳаёти давомида қўл келиши ва ундан фойдаланиши мумкин, балки унинг турли кўринишларидан турли мақсадларда фойдаланиш ҳам мумкин.

Болаларни фаол нутқа ва саҳналаштиришга ўргатиш, болаларга тўғри нутқ тузиш, сўз заҳирасини кўпайтириш саҳналаштиришнинг мактабгача таълим ёшидаги болалар тарбиясидаги ўрни ва унинг ўзига хос томонларини тушуниш педагоглардан кўпгина билимларга эга бўлишни талаб этади. Педагог санъатда бу фаолият қандай характерга эга, санъаткор бадиий образни яратиши учун қандай воситалардан фойдаланаяпти, унинг ижодий фаолиятининг босқичлари қандай деган саволларга жавоб бера олиши керак. Болалар атроф-олам билан бирга бадиий олам билан таниша бориш

жараёнида уларни ўз фаолиятларида яъни ўйинларида, чизган расмларида, лой ишларида, нутқларида ва ҳоказоларда акс эттирадилар.

Болаларни фаол нутққа саҳналаштириш фаолиятига атроф-оламдан олган тассуротларини, тасаввурларидаги тимсолларни турли-туман эртак қаҳрамонларининг образларини аниқ тасаввур қилиш ёрдамида уларга хос нутққни яратишга ҳаракат қиласидар.

Болалар нутқида унинг ilk бадий фаолиятида бошланғич босқичида ўзига хос характер хусусиятлари мавжуд. Буларга аввал ўзлаштирилган билим ва тушунчалар, уларнинг онгидаги бадий қаҳрамонларининг образларини яратиш ўзлаштирган сўзларини нутқда қўллашда, олдинда турган вазифаларни янги усувлар орқали ечишни, ўз ҳис-туйғуларини турли лексик бирликлар воситалар ёрдамида ифода этишларида фаол ва мустақил иштирок этишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Болалар нутқида оламни тасаввур этиш болалар тинглаётган ва улар кўраётган бадий образларнинг ҳам ўрни бор. Саҳналаштириш фаолиятида аввало сўзни тушуниш, бадий қўринишлар билан боғлиқ эмас, балки бола ўзи кундалик нутқида қўллаётган, эшитаётгансўзларнинг маъносини тушуниш орқали намоён бўлади. Масалан: эртак ва ҳикоялар саҳнада образлар орқали кўрсатилганда болалар хотирасида из қолдирадилар. Кейинчалик саҳналаштириш фаолияти нутқни ривожлантириш учун асосий босқич сифатида аҳамият касб этади, чунки бола бунда тасаввурларидаги тимсолни яратиш учун ўзлаштирган сўзларини ички нутқ орқали қўллашни бошлайди. Саҳна асарлари ва ҳикоялардан бола хотирсаида қоладиган из ниманидир ифодалашини тушунадиган бола ўз хоҳиши ва катталарнинг таклифига кўра турли қаҳрамонларнинг образини яратишга ҳаракат қиласа, унда боланинг нутқий фаолияти бадий-тасвирий характер тусини олган бўлади. Болада фикр, мақсад бўлиб, уларни намоён этишга ҳаракат қиласи.

Шу тариқа саҳналаштириш жараённинг биринчи босқичи фикрнинг пайдо бўлиши бола нутқий фаолиятида ҳам ҳосил бўлади. Болада фикрнинг

пайдо бўлиши билан одатда унинг мазмунини тушуниш янги сўзларни ўзлатириш ва уларни қўллаш усулларини ўйлаб боради, буларнинг амалга ошиши учун одатда узоқ вақт керак бўлади, болада эса кўпинча бу босқичнинг ҳосил бўлиши кузатилмайди. Бола қанчалик кичик бўлса, у шунчалик ўйлаган нарсасини тез сўз орқали тасвирлашга ҳаракат қиласди. У ҳали ўз сўзларининг маъно-мазмунини унинг натижасини таъсир оқибатларини олдиндан кўра олмайди. Аввалдан ўйлаб кўриш ва сўз тайёрлашни режалаштириш онгидаги тушунчаларни тасвирлаш жараёни билан биргалиқда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам болаларни саҳналаштиришга ўргатишда нутқий фаолият жараёning мазмунини ўзгартириш ҳоллари тез-тез учраб туради. Бола машғулотлар давомида тарбиячи томонидан тасвирлаётган расмдаги тимсоллар, эртак қаҳрамонларига умуман тааллуқли бўлган деталларни тўлиқ эслаб қололмайди ва у ўзи қўшимча деталларни киритиши мумкин. Болалар билан саҳналаштириш фаолиятиний йўлга қўйиш орқали сўз қўллашнинг ўзига хос томонларини тушуниб, сўз қўллашни ўргатиш учун педагогика тарихида бир қатор педагогик ва психолого-педагогик тадқиқот ишлари олиб борилган.

Болаларда нутқий қобилиятни ривожланишида саҳналаштириш фаолияти туркумiga кирувчи машғулотларнинг ўрни беқиёс эканлигини эътироф этган ҳолда бундай машғулотлар уларда сўз саводхонлигини, нутқий компетентликни шакллантирилишига ҳам тамал тошини қўйиши шубҳасиздир.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагиларга асосланиб, қуйидагиларни тавсия қиласми:

Болалар эртак, ҳикоя, ва турли саҳна асарлари ва нутқни ривожлантириш машғулотлари давомида нафақат ообразларни тасвирлашни, янги тушунларни сўз орқали англашни, маданий ва аҳлоқий нормаларни ўзлаштиришни бошлайдилар. Уларда турли образларни яратишга бўлган

қизиқиши юқорида айтиб ўтганларимизга қўшимча равишда уларда қўйидагиларни ривожлантиради ва шакллантиради:

- нутқ ва нутқий муроқотга бўлган эҳтиёж ва санъат соҳасига доир қобилияtlари аниқланади ва шакллантирилади;
- эртак, ҳикоя ва умуман бадиий адабиётни англаш, уларни қайта ҳикоя қилиб беришни ўрганади бадиий образларни салбий-ижобий категорияларга ажратади ва шу орқали уларда нутқ ва этик маданият ривожланади;
- бола нутқ техникасини эгаллашга тайёрланади;
- бола эртакларнинг сахнадаги намойишини кўриш орқали нутқ фаолиятини ички ва ташқи ҳамда монологик ва диалогик нутқ элементларини эгаллашни ўрганади;
- табиатни, атроф-оламни сўз орқали тасаввур қилишни, тушунишни кузатишни, уни асраб-авайлашни ардоқлашни, унга нисбатан тўғри муносабатда бўлишни ўрганади;
- сахнада рол ижро этиш жараённида жамоа бўлиб меҳнат қилиш, ишни режалаштира олиш, ўртоқларини эшига олиш ва ўзаро фикр-мулоҳаза алмашиш, ўзгалар нутқини тушуниш малакалари шаклланади;
- халқимизнинг бой маданий-маънавий мероси ҳақида тушунча ва тасаввурга эга бўлади ва уларни ўз нутқларида ифодалашга ўрганади.

Сахнада образ ифодалаш қобилияти инсоннинг табиий ва ижтимоий дунёни воқеликнинг объектив қонунлари асосида ўз мақсади ва эҳтиёжларига мувофиқ ўзгартирадиган фаолиятидир. Ижод маҳсули бу инсон онгининг фаол маҳсулидир."Мактабгача таълим концепцияси"нинг асосий мазмунида болаларнинг индивидуал хусусиятлари ва истеъдодини ривожлантириш вазифаси белгилаб берилган. Ҳозирги олиб борилаётган тадқиқотлар ва амалий ишлар мактабгача ёшдаги болаларда фаол нутқ тарбияси ва муроқотга кириша олиш ижодий фаолият кўрсата олишини исботлади. Албатта, болалар ижодкорлиги ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, катталар ижодкорлиги мезонларига жавоб бера олмайди. Таълим

жараёнида, эртаклар эшитиш, ҳар хил расмларни кўриш туфайли бола нутқи ривожланиб, уларни ўз нутқида қўллашдан олдин ўзи бевосита идрок этган предметлар доирасига кирмайдиган нарсаларни аста — секин тасаввур қила бошлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашр.- Т.: “Ozbekiston” нашриёти, 2022. – 147 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 29 декабрдаги олий мажлисга мурожаатномаси. – Т: “Ўзбекистон”, 2018.- 80 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони: “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 08.09.2017 й. / Халқ сўзи газетаси, 2017 й. 9 сентябрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони: “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”, 29.11.2017 й. / Халқ сўзи газетаси, 2017 й. 30 ноябрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони: “Ўзбекистон Республикасининг 2019-2021 йилларга мўлжалланган инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”, 21.09.2018 й / Халқ сўзи газетаси, 2018 й. 22 сентябрь.
6. Шикуфе Алиева. “Бабледан оғзаки мулоқотгача”
7. Очилов. М ”Янги педагогик қаашлар” 2000 йил.
8. О. Хасанбоева ва бошқалар. “Оила педагогикаси” Т: “Алоқачи” 2007-йил
9. Ф. Қодирова, Ш. Тошпулатова, М. Аъзамова. “Мактабгача педагогика”. - Т.: “Маънавият”. 2013.